

---

## Данғара туманидаги Қирқлар МФЙ номини тиклаш бўйича мурожаат юзасидан

Facebook ижтимоий тармоғи орқали Рахимжон Рахмат томонидан Шодлик МФЙ номини эски Қирқлар МФЙ номига ўзгартириш бўйича чиқарилган мурожаат юзасидан тумна ҳокимлиги вакиллари жойига чиққан холда ўрганишлар олиб борди.

Тумна ҳокимлиги вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокида Шодлик МФЙ номини Қирқлар МФЙ номига ўзгартириш бўйича йиғилиш ўтказилиб, барча фаоллар фикри эшитилди. Шунингдек Рахимжон Рахмат томонидан Қирқлар номини келиб чиқиш тарихи тўлиқ айтиб ўтилди.

Кун тартибидаги масала бўйича барча фаоллар розилиги билан Қирқлар МФЙ номини қайтариш таклифи маъқулланди. Ҳозирда Қирқлар МФЙ номини тиклаш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

---

2024-07-03 10:11:28